# Эй Раббим, ишларимда фаол қил!

Image not found or type unknown



09:00 / 12.05.2022 6663

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бирор фарз ёки нафл намоз сўнгида яқинлашсам, у зотнинг:

اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي ذُنُوبِي وَخَطَايَايَ كُلَّهَا اللَّهُمَّ أَنْعِشْنِي وَاجْبُرْنِي وَاهْدِنِي لِصَالِحِ الأَعْمَالِ وَالأَخْلَاقِ إِنَّهُ لَا يَهْدِي لِصَالِحِهَا وَلَا يَصْرِفُ سَيِّئَهَا إِلَّا أَنْتَ

«**Аллоҳуммағфирлий зунубий ва хотойайа куллаҳа. Аллоҳумманъишний важбурний ваҳдиний лисолиҳил аъмали вал ахлақ, иннаҳу ла йаҳдий лисолиҳиҳа ва лаа йасрифу саййиаҳа илла анта», деб айтаётганларини эшитар эдим**».

(**Маъноси**: Эй Раббим, гуноҳларимнинг ҳаммасини кечир. Эй Раббим, мени ишларимда фаол қил, ислоҳ эт ва хулқ, амалларнинг яхшисига ҳидоят қил.

Сендан ўзгаси ишларнинг яхшисига ҳидоят қилиб, ёмонидан буролмайди.)

*Ибн Сунний ривоятлари.*

***Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан***